

**Жисмоний шахсларга “Бизнесга қўмак” микрокредитини
ажратиш бўйича шартномаси № _____**

{ _year } йил «{ _day }» { _month_word_cr }

_____ (аҳоли пункти)

Акциядорлик тижорат Халқ банки номидан (бундан буён шартнома матнида «Банк» деб юритилувчи) { filial-boskaruvcisi-ga-berilgan-isoncnomasining-rakami-va-sanasi }-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи { filial-nomi } банк хизматлари маркази бошлиғи/раҳбари { filial-boskaruvcisi-ifs }, бир томондан ҳамда бундан буён матнда «Қарздор» деб юритилувчи, { birth_date } йил { birth_place } да туғилган, ҳозирда { residenceAddressGsp } да яшовчи, { passport_begin_date_document } да { passport_doc_give_place } томонидан берилган, { passport_seria } серия, { passport_number } рақамли паспортга эга бўлган, фуқаро { full_name_cr }, иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига ушбу шартнома шартларига мувофиқ микрокредит ажратади, Қарз олувчи эса олинган микрокредит маблағларини шартномада белгиланган муддатда қайтаради ва микрокредитдан фойдаланганлиги учун фоизларни тўлайди.

2. Кредит шартлари

- 2.1.** Микрокредит суммаси: { credit_request_amount_pretty } ({ credit_request_amount_word }) сўм.
- 2.2.** Микрокредитдан фойдаланиш муддати: { credit_product_term_lifetime_months } ой
- 2.3.** Асосий кредит ҳамда кредитга ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиши мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўлов жадвалига (1-иловага) мувофиқ амалга оширилади.
- 2.4.** Микрокредит бўйича фоиз ставкаси: { credit_request_percentage } % ({ credit_request_percentage_word }).
- 2.5.** Фоизларни тўлаш муддати: ҳар ойнинг 5 санасигача.
- 2.6.** Микрокредитнинг имтиёзли даври: _____ ойгача.
- 2.7.** Микрокредит 100% миқдорда нақд пулсиз кўринишда, Қарз олувчининг Халқ банкида очилган банк пластик картасига ўтказиб берилади.
- 2.8.** Кредит тулик қиймати (КТК)

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

- 3.1.1.** Қарз олувчига мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва шартларда кредит ажратиш;
Бунда, Банкнинг ушбу шартнома бўйича кредит ажратиш мажбурияти, кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжат белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилган ва Банк томонидан қабул қилиб олинган (*ипотека бўлган ҳолларда - ипотека шартномаси қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтгазилгандан ва гаровга қўйилган мулк мажбурий тартибда суғурталангандан сўнг*) кундан бошлаб юзага келади.
- 3.1.2.** Олинган микрокредитни ҳисоблаш учун Қарз олувчига ссуда ҳисобрақамини очиш.
- 3.1.3.** Қарз олувчини Банк томонидан микрокредитни муддатидан олдин ундириш фактлари ва сабаблари ҳақида хабардор қилиш.

3.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон { credit_request_qr_code_image } ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтга ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

3.2.1. Микрокредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши ҳамда тўланишини таъминлаш.

3.2.2. Микрокредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, қайтаришлилик, тўловлилик, кредит қайтарилишининг ишончилиги ва таъминланганлик талабларига риоя қилиш.

3.2.3. Мазкур шартнома кучда бўлган даврда ва Қарз олувчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўлса, Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан, Қарз олувчи куйидаги ҳаракатлардан бирортасини **амалга оширмаслиги зарур:**

- бошқа банклардан кредит ва қарз олиш, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил (ёки гарант) бўлиш;

3.2.4. Қарз олувчининг иш жойи, яшаш манзили, фамилияси, исми ўзгарганда 3 кун муддат ичида Банкни хабардор қилиш;

3.2.5. Қарз олувчи ўзининг ва Кафилнинг банкдаги барча банк ҳисобварақлари (пластик карта, омонат ва бошқа) тўғрисидаги маълумотларни банкка тақдим этиш;

3.2.6. Халқ банкининг “Сонтаст сентер” операторлари қўнғироқларига хушмуомалалик билан жавоб бериш ва мулоқотда бўлиш ҳамда СМС хабарларини ижобий қабул қилиш;

3.2.7. Телефон рақами ўзгарган ҳолларда, зудлик билан Банкни хабардор қилиш. Бунда, телефон рақами ўзгарган кундан бошлаб икки иш кунида Халқ банкининг “Сонтаст сентер” операторлари орқали Банкни хабардор қилиш;

3.2.8. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўзига тааллуқли бўлган шахсий маълумотларни ва банк сирини ўз ичига олган маълумотларни тўплаш, қайта ишлашга ва улардан фойдаланишга ушбу шартноманинг **2-иловасига** мувофиқ ўз розилигини бериш мажбуриятларини олади.

3.3. Банкнинг ҳуқуқлари:

3.3.1. Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз деб топилганда, микрокредитни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган микрокредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда ҳамда Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганидан сўнг Қарз олувчи томонидан микрокредитдан 1 (бир) ойдан кўп муддат давомида фойдаланилмаганда (тўлов ҳужжатларини тақдим этмаслик) ушбу шартномада назарда тутилган микрокредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш.

3.3.2. Кредитлаш жараёнида ажратилган микрокредитга тегишли бўлган ҳолатларни (микрокредитнинг таъминланганлиги, лаёқатлилиги ва бошқалар) таҳлил қилиш.

3.3.3. Қарз олувчини хабардор қилиб, бошланғич фоиз ставкасини Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш. Бошланғич фоиз ставкасини ўзгартириш Банкнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, Қарз олувчи фоиз ставкасининг Банк томонидан бир томонлама ўзгартирилишига ўз розилигини билдиради.

3.3.4. Куйидаги ҳолларда Қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда микрокредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, жумладан, ундирувни микрокредит кредитининг таъминотиغا қаратиш орқали ундириш:

- 30 кундан ортиқ муддатда микрокредит бўйича асосий қарз ва фоизлар тўланмаганда;

- Қарз олувчи томонидан Банкка микрокредит ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

- ажратилган микрокредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, шунингдек, микрокредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда;

Бундай ҳолларда Банк олдиндан 15 кундан кўп бўлмаган муддат ичида Қарз олувчини огоҳлантиради, аммо Қарз олувчининг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундиришга бўлган ҳуқуқига ўз таъсирини кўрсатмайди;

3.3.5. Халқ банкининг “Сонтаст сентер” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефонига тўлов жадвалига мувофиқ тўловлар яқинлашаётганлиги ҳақида 10 кун олдин СМС хабарлар юбориш;

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон `{credit_request_qr_code_image}` ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

3.3.6. Қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар мазкур шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолларда, Халқ банкнинг “Сонтаст сентер” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефониغا СМС эслатмалар юбориш. Шунингдек, Қарз олувчи билан шахсан мулоқат олиб борган ҳолда тўловлар белгиланган муддатларда амалга оширилиши лозимлиги ҳақида, ҳамда акс ҳолда Қарз олувчига нисбатан қонуний чоралар кўрилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш, шунингдек, шу мазмунда СМС хабарлар юбориш;

3.3.7. Қарз олувчининг муддати ўтган қарздорликларини мажбурий равишда ундириш мақсадида, судга даъво аризаси киритилганлиги тўғрисида Қарз олувчининг мобил телефониغا СМС хабарномалар юбориш;

3.3.8. Қарз олувчининг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Банклараро кредит бюросига тақдим этиш;

3.3.9. Мазкур шартнома бўйича Қарз олувчининг муддати ўтган қарздорлиги юзага келган ҳолларда, Банк ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини (асосий кредит, фоиз, пеня) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчи ва Кафилнинг барча ҳисобварақлари (пластик карта, омонат ва б.)дан акцептсиз тартибда (розилигисиз) кўчириб (ундириб) олиш;

3.3.10. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Қарз олувчига тааллуқли бўлган шахсий маълумотларни ва банк сирини ўз ичига олган маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларига эга.

3.4. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

3.4.1. Олдиндан (3 банк иш куни давомида) Банкни хабардор қилиб, микрокредит олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш;

3.4.2. Микрокредитни ҳеч қандай жаримасиз муддатидан олдин қайтариш.

3.4.3. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш. Шунингдек, Халқ банкнинг “Сонтаст сентри” орқали банкдан олинган кредит юзасидан тегишли маълумотларни олиш.

4. Ҳисоб-китоблар тартиби.

4.1. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Банк микрокредит суммасини Қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан нақд пулсиз кўринишида банк картаси орқали беради.


4.2. Қарз олувчи берилган микрокредит учун фоизларни Банкка мазкур шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда Банк амалга оширган ҳисоб-китоб асосида тўлайди.

4.3. Микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

4.4. Қарз олувчи шартнома шартларига асосан ажратилган микрокредитни ҳамда у бўйича ҳисобланган фоизларни нақд пул (унга тенглаштирилган тўлов усуллари орқали) тўлаш йўли билан амалга оширади. Аввал ҳисобланган фоиз қарздорлик, кейин микрокредит бўйича асосий қарз қайтарилади (копланади).

4.5. Мазкур шартнома бўйича муддати ўтган қарздорликлар юзага келган ҳолларда, Банк ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчининг ҳисобварағи (пластик карта, омонат ва б.)дан акцептсиз тартибда (розилигисиз) кўчириб (ундириб) олади, шунингдек, қарздорликлар Нотариуснинг ижро хати орқали ундирилиши мумкин. Банк бу ҳақда Халқ банкнинг “Сонтаст сентер” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефониغا СМС хабарнома юборади.

5. Микрокредит қайтарилишининг таъминланиши

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон  ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

5.1. Мазкур шартнома асосида ажратилган Микрокредит, нинг ажратилаётган кредит суммасининг 125%, яъни _____ сўм миқдоридagi кафиллиги ёки _____ сўм миқдоридa кредит қайтмаслик хатари ликвилди мол-мулк гарови билан таъминланади.

5.2. Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбурияти (микрокредит ажратиш) микрокредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда тўлик расмийлаштирилгандан ва у Банк томонидан олингандан сўнг кучга киради.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредит қарздорлиги юзага келганда), Қарз олувчи Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоиз ставкасининг **1,2 баравар** оширилган миқдоридa юқори фоиз тўлайди.

6.2. Фоизларни белгиланган муддатда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Қарз олувчи Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдоридa, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Мазкур шартномада кўрсатилган муддатда микрокредит ажратилмаганда, Банк Қарз олувчига кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1% миқдоридa, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни ўзаро музокаралар орқали ҳал қилишга ҳаракат қиладилар.


7.2. Ўзаро келишувга эришилмаган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан тегишлилик бўйича суд тартибидa ҳал этилади.

8. Коррупцияга қарши шартлар

8.1. Мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ва воситачилари бирор ноқонуний устунликка ёки бошқа имтиёзларга эришиш учун бирор бир шахсга, унинг ҳаракатлари ёки қарорига таъсир ўтказиш мақсадида, бевосита ёки билвосита бирор бир пул маблағлари ёки қимматликларни тўламайди, тўлашни таклиф этмайди ва бундай тўловни амалга оширишга рухсат бермайди.

8.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ва воситачилари амалдаги қонунчилик билан пора бериш/пора олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш каби таснифланадиган ҳаракатларни, шунингдек амалдаги қонунчиликка доир халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

8.3. Шартноманинг ҳар бир Томони бошқа Томоннинг ходимларини рағбатлантиришдан, шу жумладан ходимларга пул маблағлари, совғалар бериш ва улар учун текин ишлар (хизматлар)ни бажариш ва бошқа йўллар орқали уларни маълум бир тобеликка олиб келиши мумкин бўлган ва рағбатлантирувчи Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz вебсайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон  ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz вебсайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

маълумотларни олинг.томоннинг фойдасига ходимлар бирор бир хатти-ҳаракатларни бажаришларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлардан воз кечадилар.

8.4. Томонларда ҳар қандай коррупцияга қарши шартлар бузилганлиги ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан шубҳа туғилганда, тегишли томон ёзма равишда ёки алоқа каналлари орқали оғзаки тарзда бошқа томонни хабардор қилади. Шунингдек, ушбу томондан маълум муддат ичида тегишли чоралар кўрилиши ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор этишини талаб қилиши шарт. Томоннинг бу талаби иккинчи томон тарафидан бажарилмаган тақдирда, ушбу томон шартномани бир томонлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8.5. Томонлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

9.Бошқа шартлар

9.1.

Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

9.2. Ушбу шартнома бекор қилинишида қарздор кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ қайтариши шарт.

9.3.Қарздорни кредит тарихини ўрганиш мақсадида, унинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институтининг (кейинги ўринларда КАМИ) маълумотлар базасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит берилишидан олдин олинади.

9.4.Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

9.5.Томонларнинг манзиллари ўзгарган ҳолларда 5 (беш) иш куни муддат ичида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

9.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган тўрт нусхада тузилган бўлиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

Илова: Асосий қарз ва фоизларни қайтариш бўйича жадвали.

10.Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари

«Банк»	«Қарздор»
Акциядорлик тижорат Халқ банки {filial-nomi} банк хизматлари маркази Манзил: {filial-manzili} МФО: {filial-mfo}; ИНН: {filial-innsi}; “Contact center” алоқа тел.рақами: (71) 210-20-02 {manager_position}; {filial-boskaruvcisi-ifs}	Паспорт маълумотлари: {full_name_cr} Серия {passport} Берилган_{passport_doc_give_place} Тел.рақами {phone}
_____	_____ (имзо)

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтга ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг. {credit_request_qr_code_image}


М.Ў.	
------	--

“Хурматли қарз олувчи! Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда Сизнинг кредит тарихингизда мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади ва бу эса ўз навбатида келгусида кредит ташкилотларидан кредит олиш имкониятингизни пасайишига сабаб бўлиши мумкин”.

{_year} йил
«{_day}»{_month_word_cr} даги
_____ сонли Микрокредит шартномасига
2-илоvasи

Шахсий маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга розилик

Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ва “Банк сири тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ, АТ “Халқ банки” ва унга алоқадор шахслардан шахсий маълумотларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Кредит маълумотларининг реестри, “Ўзбекистон Республикаси Кредит бюроси” МЧЖдан махсус шахсий маълумотларни қайта ишлашга зарур маълумотларни

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон  ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

олиш ва тақдим этиш, тўплаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш, йиғиш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш), фойдаланиш, тақдим этиш, узатиш, блокировка қилиш, деперсонализатсияга розилик бераман.

Шунингдек, Банкнинг мен ҳақимда ва ҳар қандай ташқи манбалардан менинг даромадларим ҳақидаги маълумотларни олишига, банкка ўзим ҳақимда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни Банкнинг шериклари ва/ёки контрагентларига, шунингдек, ҳар қандай давлат органларига, тижорат ва/ёки нотижорат ташкилотларига тақдим этиш ва беришга розилигимни билдираман.

Розилик, агар бу Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, уларни ундириш ва қайта ишлаш мақсадларига эришилгунга қадар ёки ундан узоқроқ муддатгача амал қилади.

Шахсий маълумотларни, шу жумладан банк ва бошқа қонун билан ҳимояланган сирларни ўз ичига олган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга мижознинг розилигини имзолаш орқали мен қуйидагиларни тасдиқлайман:

Банкнинг веб-сайтида қуйидаги манзилда жойлаштирилган маълумотларни, шу жумладан шахсий маълумотларни ва банк сирини ўз ичига олган маълумотларни тўплаш, қайта ишлашга розилик бериш шартлари билан танишдим: [хтти://](#) (жойлаштириш саҳифасини кўрсатинг) /раҳбар томонидан тақдим этилган. Банк хизматлари марказида (кейинги ўринларда - Шартлар), уларнинг матнини тушундим ва улар билан тўлиқ розиман;

Шартлар мазмунига мувофиқ мен ҳақимда, шу жумладан шахсий маълумотлар, банк ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирларни ўз ичига олган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга розилик бераман;

Банк томонидан Шартлар коидалари билан танишиш учун зарур вақт ажратилганлигини тасдиқлайман;

Шартларда назарда тутилган талабларни ўзгартириш коидасига розилик бераман;

Мен, ушбу Розилик ва Шартлар жами мен ҳақимда, шу жумладан шахсий маълумотлар, банк ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига жавоб берадиган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга ёзма розилик эканлигини тушунаман.

(Мижознинг тўлиқ исми шарифи ва шахсий имзоси ўз қуллари билан қўйилади)


АТ “Халқбанки”

(Розиликни қабул қилган шахснинг исми-шарифи-лавозими ва имзоси)

{_year} йил «{_day}»{_month_word_cr}

“Bank xizmatlari iste’molchilari bilan o‘zaro munosabatlarni amalga oshirishda tijorat banklarining faoliyatiga qo‘yiladigan minimal talablar to‘g‘risidagi nizomga
1a-ILOVA

Kredit rasmiylashtirishdan oldin to‘ldiriladigan CHECKLIST

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон  ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

Kredit shartnomasini rasmiylashtirishdan (ofertani tasdiqlashdan) avval, ushbu ro'yxatni diqqat bilan o'qib chiqing va har bir bandni tushunganingizni tasdiqlang. Bu sizni kelgusida kutilmagan moliyaviy qiyinchiliklardan saqlanishingiz uchun xizmat qilishi mumkin.

<p>1. Kredit — bu xarajat. <i>Kredit — bu men to'lashim shart bo'lgan moliyaviy majburiyatdir. Kreditning asosiy summasidan tashqari, kredit bo'yicha hisoblangan foizlarni, shuningdek, ehtimol, kredit bilan bog'liq boshqa xarajatlarni (sug'urta, kredit to'lovlarini amalga oshirish xarajatlari va boshqalar) ham to'lashimga to'g'ri keladi.</i></p>	
<p>2. Kreditni qaytarish jadvalini diqqat bilan o'rganib chiqdim. <i>Kreditni qaytarish jadvalidagi barcha sanalar va to'lov miqdorlari hamda ushbu to'lovlarni amalga oshirish usullari bilan tanishdim. Mazkur jadvalga muvofiq har oyda qachon va qancha miqdorda to'lovlar to'lashim kerakligini tushundim hamda ularni o'z vaqtida bajara olaman.</i></p>	
<p>3. Daromadlarim kredit to'lovlarini to'lash imkonini beradi. <i>Mazkur kreditni olishda men oylik daromadim va doimiy xarajatlarimni (boshqa kreditlarim, ijara, kommunal xizmatlar, transport va boshqa xarajatlarni), shuningdek kredit bo'yicha o'z majburiyatlarimni bajara olmasligimga olib kelishi mumkin bo'lgan yengib bo'lmas kuch ta'siridagi vaziyatlar (holatlar)ni yuz berishi ehtimolini (ishimni yo'qotish, ish haqi va boshqa daromadlarni kechikishi, sog'ligimning yomonlashishi) inobatga oldim.</i></p>	
<p>4. Kredit to'lovlarini kechiktirish oqibatlaridan xabardorman. <i>Kredit to'lovlarini o'z vaqtida amalga oshirmasam, bank tomonidan ushbu qarzdorlik bo'yicha tegishli jarima va penyalar belgilanishini, shuningdek, agar kredit qarzdorligi sud orqali undirilsa, mazkur sud xarajatlarini ham to'lashim mumkinligini tushundim. Bundan tashqari, kredit tariximda majburiyatlar o'z vaqtida bajarilmagani to'g'risida ma'lumotlar aks ettirilishi, bu esa kelgusida moliyaviy tashkilotlardan kredit olish imkoniyatimni pasayishiga va/yoki noqulay shartlarda kredit olishimga sabab bo'lishi mumkinligini bilaman.</i></p>	
<p>Tasdiqlayman</p>	
<p>_____ (imzo)</p>	
<p>Sana: _____ (kun /oy /yil)</p>	

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

{credit_request_qr_code_image}